



452

Q A R O R

2001 йил "20" ноябрь

№ 3/4 К

"Юридик шахси руйхатга олиш ва
ва ер майдони ажратиш тугрисида"

Ўзбекистон Республикасини 1998 йил 30 апрелдаги "Фермер хужалиги тугри-
сида"ги қонунига, Самарқанд вилоят Давлат мулкни бошқариш ва тадбир-
корликни куллаб кувватлаш бошқармасини ҳамда Окдарё туман хокимлигини
Тадбиркорликни куллаб кувватлаш ва корхоналарни руйхатга олиш бўлимини
"Кичик ва урта бизнесни ривожлантиришни 2001 йилга мулжалланган дастур
ини бажариш" мақсадида ҳамда Р. Хамраев номли ширкат хужалигини 2001
йил 1 январдаги № 1 сонли "хужалик ҳудудидан "Шоди-М" номли фермер ху-
жалик очиш учун Эшқулов Шарофга № 303 рақамли контурдан 2 гектар бог-
дорчилик ва 2 гектар сабзаватчилик йуналишида фаолият курсатиш учун
4 /турт/ гектар ер ажратиш" тугрисидаги умумий йигилиш қарорига ва
Фукора Эшқулов Шарофни "хужаликни 303 контурдан 2 гектар богдорчи-
ликга 2 гектар сабзаватчиликга иктисослашган жами 4 гектар "Шоди-М" ном-
ли фермер хужалиги ташкил этишга рухсат сураб ёзган аризасига ҳамда
туман Ер участкаларини бериш/реализация қилиш/ масалаларини қуриш бу-
йича доимий фаолият курсатувчи туман комиссиясини фермер хужалиги
ташкил этиш ва ер майдони ажратиш тугрисидаги 2001 йил 22 октябр-
даги йигилиш баёнига асосан :

Q A R O R K I L A M A N.

1. Р. Хамраев номли ширкат хужалигини 2001 йил 1 январдаги № 1 сонли
"хужалик ҳудудидан "Шоди-М" номли фермер хужалик очиш учун Эшқулов Ша-
рофга № 303 рақамли контурдан 2 гектар богдорчилик ва 2 гектар сабзаватчи-
лик йуналишида фаолият курсатиш учун 4 /турт/ гектар ер ажратиш тугри-
сида"ги қарори тасдиқлансин.
2. Р. Хамраев номли ширкат хужалиги ҳудудидаги "Шоди-М" номли фермер
хужалиги давлат руйхатидан ўтказилсин ва низоми тасдиқлансин.
3. Туман хокимлигини Тадбиркорликни куллаб кувватлаш ва корхоналарни
руйхатга олиш бўлими бошлиғи/Т.Ширинов/га "Шоди-М" номли фермер хужа-
лигига давлат руйхатидан ўтказилгани тугрисида давлат ордери бериш:
туман Ер ресурслари бўлими бошлиғи /А. Нормуродов/га ер кадастри
ва бонитети асосида масқур фермер хужалигига ажратилган ер майдонини
ширкат хужалиги ҳисобидан чиқариш ва қонуний хужжатлар тайёр булган-
дан сунг давлат далолатномасини тайёрлаш:
деҳқон фермер хужаликлар уюшмаси вакиллиги раиси/ С. Рустамов/га
Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонуни асосида руйхатга олинган
фермер хужалигини тайёрлаш ташкилотлари билан шартнома тузиш ва
уларни бажарилиши ва ердан самарали фойдаланишини назорат қилиш: